



# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 88 (11.649)

Баҳоси эркин эрҳда

## ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИДА

**Бугун Тошкент шаҳрида  
Ўзбекистон Республикаси Олий  
Мажлиси Сенатининг иккинчи  
ялпи мажлиси очилди.**

Кеча, 2010 йил 6 май куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси И.Собиров олиб борди.

Ўқувчиларнинг раислари навбатдаги ялпи мажлис муҳокама-сига киритилган қонунлар юзасидан хулосалар ва бошқа масалалар бўйича қарорлар тайёрлиги ҳақида ахборот бердилар, мажлис ишини ташкил этиш юзасидан ўзаро фикр алмашдилар.

Кенгаш мажлисида таъкидланганидек, Сенатнинг бўлажак ялпи мажлисида йигирма тўртта масалани, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2010 йил 26 январдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг биринчи мажлисидаги, 2010 йил 27 январдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» номида маърузаларининг асосий қоида ва хулосаларини рўйга чиқариш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ҳаракат дастурини, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришга йўналтирилган бир қатор Ўзбекистон Республикаси қонунларини кўриб чиқиш мўлжалланмоқда. «Аҳоли ўртасида микронутриент етишмаслиги профилактикаси тўғрисида»ги, «Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 10 ва 11-моддаларига ўзгаришлар киритиш ҳақида»ги, «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 28-моддасига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 180 ва 275-моддаларига ўзгаришлар киритиш ҳақида»ги қонунлар шулар жумласидандир.

Бўлажак ялпи мажлисида, шунингдек, суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштиришга йўналтирилган қонунларни кўриб чиқиш ҳам тақдир қилинди. Булар: «Суд экспертизаси тўғрисида»ги, «Суд экспертизаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар киритиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига қўшимча киритиш ҳақида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларидир.

Бундан ташқари, Сенатнинг ялпи мажлисида давлат қурилиши ва бошқаруви, ташқи сиёсат соҳасидаги бошқа қонунлар ҳам кўриб чиқилди. Булар жумласига «Архив иши тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси билан Уммон Султонлиги ўртасида ҳамкорлик ва муносабатлар асослари тўғрисидаги Битимни (Маскат, 2009 йил 5 октябрь) ратификация қилиш ҳақида»ги қонунлар кирди.

Шу билан бирга, Сенатнинг навбатдаги мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилнинг (Омбудсманнинг) 2009 йилдаги фаолияти тўғрисидаги, Ўзбекистон Республикаси Хисоб палатасининг 2009 йилдаги фаолияти тўғрисидаги, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2009 йилдаги фаолияти тўғрисидаги, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раисининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2009 йилдаги фаолияти тўғрисидаги хисоботларини ва Ўзбекистон Республикаси адилия вазирининг 2009 йилда давлат бошқаруви органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат тузилмалари томонидан қонунларнинг ижро этилиши ҳолати тўғрисидаги ахборотнинг тинглаш ва муҳокама қилиш режалаштирилмоқда.

Олий Мажлис Сенати ялпи мажлисининг кун тартибига Ўзбекистон Республикаси Олий суди тарихига ўзгаришлар киритиш тўғрисидаги, Ўзбекистон Республикасининг бир қатор ҳорижий мамлакатлардаги дипломатия ваколатхоналари бошлиқларини тайинлаш ҳақидаги масалалар ҳам киритилган.

Ялпи мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Кўриб чиқилган барча масалалар юзасидан Кенгаш тегишли қарорлар қабул қилди.


Шу куннинг ўзига Сенатнинг барча олтига қўмитасида бўлиб ўтган мажлисларда сенаторлар ялпи мажлисда муҳокама қилинадиган қонунларнинг аксарияти мамлакатда сиёсий, иқтисодий, гуманитар ва суд-ҳуқуқ, давлат қурилиши ва бошқаруви, ташқи сиёсат соҳаларида амалга оширилган демократик ўзгаришларнинг устувор йўналишларини қонунчилик ҳақидадан таъминлашга қаратилганлигини таъкидладилар.

Ўқувчиларнинг мажлисларида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилнинг (Омбудсманнинг) 2009 йилдаги фаолияти тўғрисидаги, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ялпи мажлиси муҳокама-сига киритилган бошқа масалалар батафсил муҳокама қилинди.

**Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Сенатининг  
Матбуот хизмати**

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

**9 май – Хотира  
ва қадрлаш куни**



## НУРОНИЙЛАР ҲАМИША ЭЪЗОЗДА

**Президентимиз Ислам Каримов раҳнаомлигида ёши улуг Ҳамюртларимиз, уруш ва меҳнат фахрийларига ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, эъзозлаш, ижтимоий Ҳимоялаш, улар учун муносиб турмуш шароитини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.**

Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 24 мартда қабул қилинган «Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 65 йиллиги нишонлини муносабати билан 1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчилари ва ногиронларини муҳофазат тўғрисида»ги фармони бунинг ёрқин далилидир.

Мазкур ҳужжатга асосан 9 май – Хотира ва қадрлаш куни арафасида Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳрида уруш қатнашчилари ва ногиронларига «1941-1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида»ги Ғалабанинг 65 йиллиги юбилей медали ва пул мукофоти тантанали тарзда топширилмоқда.

Ана шундай тадбирдан бири пойтахтимизнинг Миробод туманида бўлиб ўтди. Унда уруш ва меҳнат фахрийлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг депутатлари, маҳалла, хотин-қизлар кўмиталари фаоллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар,

ўқитувчилар, мудофаа ишлари бўлинмалари, жамоат ташкилотлари вакиллари, талаба-ёшлар иштирок этди.

Миробод тумани ҳокими Б.Раҳмонов Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, аҳолини кучли ижтимоий Ҳимоялаш, йиғит-қизларни баркамол инсонлар этиб тарбиялаш борасида амалга оширилган кенг қўламли ибратли ишлар жараёнида кекса авлодга ҳурмат кўрсатишга алоҳида эътибор қаратилганини таъкидлади.

Бу йўналишдаги эзгу ишлар уруш ва меҳнат фахрийларини аниқ ва манзилли ижтимоий муҳофаза қилиш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг кўп йиллик самарали ва фидокорона меҳнатини муносиб қадрлашда ўзининг ақлол ифодасини топмоқда. Айни пайтда қўллаб-қувватлаш, шифокорлар барпо этилмоқда, мавжудларни капитал реконструкция қилиниб, таъмирланмоқда. Тиббиёт масканлари, поликлиникалар, Саҳоват ва Муруват

уйларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларни зарур жиҳоз ва ускуналар, тиббий воситалар билан таъминлашга доир кенг қўламли ишлар фахрийлар ва ногиронларнинг саломатлигини тиклаш ва мустаҳкамлаш, ижтимоий-тиббий реабилитация қилиш имконини бермоқда.

Бугунги кунда ёши улуг Ҳамюртларимиз жамиятимизда тинчлик-тотувлик, ҳамжиҳатлик, бағрикенглик, меҳр-муруват муҳитини мустаҳкамлаш, маҳалла фаолиятини янада ривожлантириш, ёшлар онги ва қалбига ватанпарварлик, фидойилик туйғуларини мустаҳкам қарор топтиришда фаол иштирок этмоқда. Зеро, нуруний отахон ва онхонларимизнинг ибратли ҳаёт йўли, турли жаҳалардаги фидокорона фаолияти ёш авлодини она Ватанга муҳаббат, миллий истиқлол гоғларига садоқат, умрбоқий анъана ва қадриятларимизга ҳурмат ва эҳтиром руҳида тарбиялашда катта аҳамият касб этмоқда.

Тадбирда уруш қатнашчилари ва ногиронларига медал ва пул мукофотлари топширилди. Сўзга чиққанлар кексаларни эъзозлаш йўлида кўрсатилган ғамхўрлик ва эътибори учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди.

Санъаткорлар ва ижрочи ёшлар иштирокида концерт намойиш этилди.

**Назозат УСМОНОВА,  
Ўза муҳбири**

## ХАЛҚАРО ВАЛЮТА ЖАМҒАРМАСИ ФАРМОЙИШ БЕРУВЧИ ДИРЕКТОРИ ЎРИНБОСАРИ НАОЮКИ ШИНОХАРАНИНГ БАЁНОТИ

«Бу менинг Ўзбекистонга ХВЖ фармойиш берувчи директорининг ўринбосари сифатида илк ташрифим бўлиб, самийий меҳмондўстлик ва Ўзбекистон иқтисодийоти юзасидан самарали муҳокама ўтказишга кенг имконият яратгани учун Ўзбекистон ҳукумати ва Марказий банкига миннатдорлик изҳор этаман. Ушбу ташриф давомида Осиё тараққиёт банкининг йиллик мажлисида ҳам иштирок этдим. Бу менга хусусий ва давлат сектори вакиллари билан жаҳон валюта тизимини ислоҳ қилиш ва Осиёда минтақавий ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш масалалари юзасидан фикр алмашиш учун яқин имко-

**Халқаро валюта жамғармасининг (ХВЖ) фармойиш берувчи директори ўринбосари НАОЮКИ ШИНОХАРАНИНГ Ўзбекистон Республикасига ташрифи ниҳоясига етгани муносабати билан ХВЖ ташқи алоқалар департаменти унинг қуйидаги баёноти эълон қилинган пресс-релиз тарқатди:**

ният бўлди. Ўзбекистон мамлакат раҳбариятининг пухта ўйланган, ҳозирги даврда иқтисодий юксалиш учун улкан ресурсларни жамлаш имконини берган оқилона сиёсати туфайли глобал иқтисодий инқирозни муваффақиятли енгиб ўтмоқда. Айни пайтда жаҳон молия бозорларидан кредит жалб қилиш масаласига ғоят эҳтиёткорона ёнда-

шилгани ҳам глобал инқирознинг Ўзбекистонга таъсирини юмшатишда муҳим омил бўлди. Жаҳон иқтисодийоти соғломлашиб, минтақадаги аҳвол яхшиланган бўлгани сари 2010 йилда Ўзбекистонда ишлаб чиқариш ҳажмининг ошши сурутлари янада юқори бўлиши кутилмоқда. Ўзбекистоннинг мустаҳкам бюджет-солиқ тизими ва ташқи иқтисодий алоқалари

мамлакат иқтисодий салоҳиятини янада юксалтириш ва аҳоли турмуш даражасини ошириш учун улкан имкониятлар яратади. Биз Ўзбекистон билан самарали ҳамкорлик давом этишига ишонамиз».

**Халқаро валюта жамғармаси,  
Вашингтон, Колумбия округи,  
АҚШ  
2010 йил 5 май**

## МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси томонидан «Қонунчилик базасини такомиллаштириш – соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш самарадорлигини янада ошириш гарови» мавзuida илмий-амалий семинар ташкил этилди. Семинар давомида юртимиз соғлиқни сақлаш соҳасининг ҳуқуқий базасини янада такомиллаштиришга қаратилган аниқ тавсиялар қабул қилинди.

● Юртбошимизнинг фармонига асосан Самарқанд шаҳрида яшаётган 157 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчисига «1941-1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушидаги Ғалабанинг 65 йиллиги» юбилей медали ва пул мукофотлари тантанали топширилмоқда.

● Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ҳамда Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамкорлигида эл меҳрини қозонган фахрий журналистлар иштирокида «Инсон – азиз, хотира – муқаддас» мавзuida тадбир ташкил этилди.

● Маънавият тарғибот маркази Тошкент вилояти бўлимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 8 июлда қабул қилинган «Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлашга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

● Жиззах шаҳридаги санъат коллежиде «Болалар намунали ансамбли» республика кўрик-танловининг вилоят босқичи ўтказилди. Унда шаҳар ва туманлардан сараланган болалар бадиий жамоалари иштирок этди.

● Ўзбекистон Бадиий академияси Марказий кўرғазмалар залида «Sen Yoig'iz Emassan» Республика жамоатчилик болалар жамғармаси, Халқ таълими вазирлиги, «Соғлом авлод учун» халқор хайрия жамғармаси, Миср элчихонасининг маданият маркази ҳамкорлигида «Камалак жилоси» анъанавий болалар расмлари ва ижодий ишлари республика кўрик-танлови бўлиб ўтди.

## ЖАҲОНДА

● Кеча Буюк Британияда бўлиб ўтган парламент сайловларининг расмий натижалари ҳали эълон қилинмаган бўлса-да, унда консерваторлар партиясига етакчиси Дэвид Кэмероннинг ғалаба қозонганлиги эътироф этилмоқда. Тахминларга кўра, консерваторларга парламентдаги жами 650 та ўриндан 305 таси тегиши мўлжалланмоқда.

● Кеча Греция парламенти ҳукуматнинг кескин иқтисодий чоралари тўпламини қабул қилганидан сўнг мамлакатда норозилик намойишлари ва оммавий тартибсизликлар авжига чиқди. Хусусан, полициячилар билан тўқнашувлар чоғида 60 га яқин киши тан жароҳатларини олди, намойишчиларнинг 70 нафари ушланди.

● Мексика кўрғазмида Буюк Британиянинг «Бритиш Петролеум» компанияси саъй-ҳаракатлари билан учта кучли нефть оқимидан биттаси тузатилди. Ҳозирда ушбу компания вакиллари томонидан 100 тонналик улкан гумбаз тайёрланган бўлиб, яна тахминан икки кунлардан кейин у 1,5 километр чуқурликдаги шикастланган нефть платформасининг устига қўйилди.

● Хитойнинг жануби-ғарбида кучли довул юз берди. Ушбу табиий офатда айниқса, аҳоли зич яшайдиган Чун Цин шаҳри катта талафот кўргани айтилмоқда. Сўнгги маълумотларга кўра, довул оқибатида 23 киши ҳалок бўлган, 150 дан ортиғи жароҳатланган. Айни пайтда воқеа жойида қидирув-қутқарув ишлари олиб борилмоқда.

● Кеча Россия ҳарбийлари ва денгиз пиёдалари томонидан Сомали кўрғазмида яшин тезлигида амалга оширилган операция чоғида Россиянинг «Московский университет» танкери қароқчилар қўлидан қутқариб олинди.

● АҚШнинг Тенесси, Кентукки ва Миссисипи штатларида юз берган кучли сув тошқинлари натижасида камида 28 киши ҳалок бўлди. Айниқса, Тенесси штатининг Нэшил шаҳрида аҳвол жуда мураккаб, бу ерда қутқарувчилар қайиқларда ҳаракат қилишмоқда.

## ҚИСҚА САТРАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг ахборот хизмати ва ўз муҳбирларимиз хабар қилиди.

✓ **МИРОБОД** тумани ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси ва «Нуруний» жамғармаси бўлимлари ҳамкорлигида Иккинчи жаҳон уруши ва меҳнат фахрийларини қадрлаш ва эъзозлаш кечаси ўтказилди.

✓ **215-МАКТАБДА** Фафур Фулом номидаги маданият уйи ва «Турон» ахборот-ресурс маркази томонидан «Қўйлиқ ота», «Барот-хўжа» маҳалла фахрийлари иштирокида «Авлодлар яшаркан, хотира мангу» мавзусида давра суҳбати уюштирилди.

✓ **МИРЗО** Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғида Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан шахмат тарғиботчиси Мамажон Муҳиддинов хотирасига бағишланган шахмат турнири ташкил этилди.

✓ **БУГУН** Собир Раҳимов туманидаги уруш ва меҳнат фахрийлари оромгоҳида Завқий номидаги маданият уйи ҳамкорлигида Хотира ва қадрлаш кунига бағишлаб адабий кеча бўлиб ўтди.

9 май — Хотира ва қадрлаш куни

1945 йил... Май ойларининг бошлари. Ариқ бўйларидagi гулсафсарлар чаман очилган. Тошкентнинг Эски шаҳаридаги боғ-кўчаларда қад кўтариб турган эски паҳса уйларнинг лой томларида қийғос очилган чучмомалар завқни келтиради. Томлар устини қоплаб олган лолақизгалдоқлар эса худди қип-қизил гилам ёйиб кўйганга ўхшайди...

Баҳорда кўна «Қошиқчи» маҳалласидаги Мухиддин ота боғи бамисоли бир чаманзорга айланган кетарди. Дарахтларда тинимсиз сайраётган булбул, кумри, каку, саъва, майналар ушбу боғнинг ҳуснига янада зеб кўшарди, боғ-кўчадан ўтиб бораётган кишилар завққа чўшиб, бироз тўхтаб қолардилар ҳам.

Бирок бу қўшларнинг сайраси боғ эгасини сархуш қилмасди, унинг чехраси ҳаммаша гамгин, кўзлари маънос, атиргуллардан тоқ қайчи билан аста-аста кесиб оларкан, ҳазин овозда дардли сўзларди: «Илоҳим, уруш деган бу даҳшат, тезроқ даф бўлсин, тинчлик ҳукм сурсин, фарзандларимиз юртга омон қайтсинлар... Биринчи жагда ҳалок бўлди, шахид кетди, ўзга юртда тани қолди... Қолганларини ўзинг асрагин...» Мухиддин ота пиқ-пиқ йиғлаб ўртанди-да, кесаётган гуллардан бир дастасини уйидаги тоқчада турган учта сурат остига, фронтлардан келган учта учбурчак конвертлардаги «қора хат»лар ёнига қўйди-да, йиғи аралаш деди: «Қабрларингга бу гулларни қўйиладим, ким билсин, қаерларда ётибсизлар...»

Бу суратлардан бирида жангда ҳалок бўлган катта ўғли Имоиддиннинг ёқимли кулмишираб турарди. Иккинчисиди жияни Абдурахим, математикадан болаларга дарс бериб турган чоғи. Учинчи суратда — атоқли санъаткор, «Лайли

ва Мажнун» операсидаги Қайс-Мажнун ролининг дастлабки ижроси, машҳур Қобилқори Сиддиқов, учалови ҳам жангларда ҳалок бўлиб кетганлар. Мухиддин ота ана ўша суратлар қаршидада чўқчалар экан, бошини қуйи солиб туриб, дарднок сўзлай кет-

қарши курашда ҳалок бўлган. Турмуш ўртоғи Пошшахон тул қолиб, бутун умри умр йўлдошини зориқиб кутиб, ўтиб кетган. Ана ўша урушда шахид бўлган Қобилқорию Абдурахимлар фожиасидан эндиликда таниқли санъаткорлар, Ўзбекистон халқ артистлари ҳамда

юртларига қайтидилар. Зухриддин Мухиддиннинг биргина 1941-45 йилги урушда эмас, яна тўртта урушда қатнашган бўлиб, эсон-омон келганди. У ранглари оқариб, айниб кетган жомадонини очар экан, ундан бир эски грампластинкани олиб, отасига:

ЖИГАРБАНДЛАРИМИЗ ХОТИРАСИГА ТАЪЗИМДАМИЗ

ди: «Қандай шўхчан, завқ-шавқли йиғитлар эди улар... Имоиддин зўр чавандоз эди, уни ҳатто от заводига директор этиб тайинлаган эди, бевект ҳалок бўлди, хотини Мамсудахон айриликда, болалари етимликда қолди... Дуторни ҳам дуруст чертарди, Қобилқори билан Абдурахим ана ўша «Сўлим» («Ерни ойнадан қаранг») ни ўта берилиб, завқ билан хониш этардилар... Жангчиларнинг аслаҳаси, Қобилқори Сиддиқов Мажнуннинг «Сеғоҳ»ини ва суюкли «Сўлим»ини жангларда ҳам хониш қилиб юрган ва жангдан сўнг ўрмонзор этагидидаги тўнка устида ўтириб, юртини соғиниб, ана ўша «Сўлим»ни айтиб ўтирганда, фашист мергани уни кўксидан отиб ўлдирган. Дустининг ҳалок бўлганидан даррак топган Абдурахим Қодиров ҳам фронтга жўнаб, душманга

уларнинг онаси, Абдурахимнинг қариндоши Махбубахон ая ҳам воқифдилар. Мухиддин ота Қобилқори ижросида ёзиб олинган грампластинкадаги «Сўлим»ни то умрининг охиригача, ўтган асрнинг 80-йилларигача, Имоиддиндан олган патефон орқали эшитиб, кўзлари ёшланарди ва андуҳ билан «Бечора, увол кетдинг, сендан билан фарзанд ҳам қолмади, фақат биргина «Сўлим» мана шу пластинкада қолди холос», дейди, чунки ух тортиб... «Ана, энди учала аканг ҳам урушдан омон-эсон келадилар, улар бирон завод кўрмай Тошкентга қайтсинлар...» Қариянинг бу нияти ҳам мустақоб бўлди. Мухиддин отанинг фарзандлари Хусниддин, Абилхал, Зухриддин, Жонларидан Абдусалом, Абдулалар урушдан галаба қозониб,

«Мана ўша сиз яхши кўрган Ҳалима Носирова ижросида ёзиб олинган «Ушшоқ», у мен билан шарқий, ғарбий фронтларда бирга бўлди, жанг тўхтаган пайтларда биз уни патефон бор жойларда ҳам қўйиб эшитардик, жанг-гоҳларда ҳам сира тинмаганди бу кўшди» дея, қулиб қўйди. Дарҳақиқат, Иккинчи жаҳон урушида иштирок этган ўзбекистонлик жангчилар орасида ёзувчи, олим, бастакор, расом, драматург, журналист, театр, кино санъаткорлари ҳам кам эмасди. Булар қаторида Наби Раҳимов, Қудрат Ҳўжаев, Султон Жура, Зебо Фаниева, Обид Файзий, Мутал Бурхонов, Қўқор Хо-назаров, Мумтоз Мухамедов, Саид Алиев, Эргаш Шукруллаев, Назрулла Ёқубов, Эсон Раҳимов, Ўлмас Султонов, Узок Маҳмудов, Мирза Тиллаев, Обид

Фахрий темирйўлчи, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, истеъфодаги капитан Олимжон ота Маллаев куни кеча 99 баҳорни қаршиладилар.



ИККИНЧИ АСРГА ЮЗЛАНАЁТГАН ОТАХОН

Олимжон Маллаев қирқ йилдан зиёд «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясига қарашли «Тошкент тепловоз-вагон таъмирлаш» корхонасида ишлади. Шу кунларда Олимжон отанинг хонадони ҳар кунгиндан ҳам гавжум — Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан беш авлод — тўрт ўғил, саккиз қиз ва йигирма беш невароқ эвара-чеваралари, қариндош-уруғлари, маҳалла-қўй, касбдошларининг кети узилмаётди. Халқимиз тили билан айтганда, пирю бадавлат, иккинчи асрга қадам қўяётган Олимжон отанинг юз ёшга юзланганлари билан биз ҳам чин дилдан қутлаб, юрак сўзларини билдираимиз.

Ҳамдам СОДИКОВ, Тошпўлат МАТИБОЕВ

ТИНЧЛИКНИНГ ҚАДРИГА ЕТИНГ

— дейди қирғинбарот жанглардан омон қайтган, табаррук 90 ёшида ҳам бунёдкорлик ишларида сафда туришни ният қилаётган Насим ота Саримсоқов.

Дарҳақиқат, юртимиз тинчлиги энг азиз неъмат. Уни кўз қорачи-ғидек асраб-авайлаш шу юрт фарзанди бўлган ҳар биримизнинг бурчимиздир. Чилонзор туманидаги «Октепа» маҳалласида истиқомат қилувчи Насим Саримсоқов 1941 йилда биринчилар қаторида урушга отланиб, кўплаб шаҳарларни озод қилиш учун жангу жадларда қатнашган, Берлингача бориб, юртга ёрқин юз билан қайтиш насиб қилган инсонлардан биридир. Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан туман ҳокимлиги, «Нуроний» жамғармаси вакиллари ва маҳалладошлар уруш фахрийси Насим

ота Саримсоқовнинг уйига таширф буюриб, совға-саломлар билан қутлашди. — Қонли уруш деган балони биз кўрдик, сизлар асло кўрманглар. Бу кунларга кимлар етди, кимлар етмади. Армонда кетганлар олдида ҳаммаша қарздоримиз. Биз, фахрийларга алоҳида эътибор бериб эъзозлаётган Юртбошимизга раҳмат. Озод ва обод Ватанда яшаш ва унга муносиб авлоднинг тарбиялаш йўлида бир жон, бир тан бўлиб ҳаракат қилиш ҳар биримиз учун қалб даввати бўлмоғи керак, — дея дуога кўл очдилар Насим ота. Шоира МУХАМЕДОВА

ИБРАТЛИ УМР ЙЎЛИ

Урушнинг ранги қора, деган ҳақиқат бор. Унинг қора юзини кўрганлар бор орамизда. Улар — жонли тарих. Инсоният кушандаси — уруш деб аталмиш қирғин фожиаларининг тирик гувоҳлари улар. Оппоқ соқоли орасидан кўксини тўлдирган ордан ва медаллари кўзга ярқ этиб ташланадиган фахрийларимиз сафи, минг афсуски, йил сайин камаймоқда.

Санокли кунлардан сўнг, юртимизда яна бир муҳим ва эътиборли сана — Хотира ва қадрлаш куни кенг нишонланади. Айни кунларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иккинчи жаҳон урушидаги Ҳалабанинг 65 йиллиги нишонланиши муносабати билан 1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчилари ва ногиронларини муқофотлаш тўғрисида»ги Фармонига қўра, фахрийларимизнинг жасорати ва фидойилигига ҳуқур ҳурмат ва эҳтиром қўрсатилиб, уларга «1941-1945 йиллардаги Улуг Ватан урушидаги Ҳалабанинг 65 йиллиги» юбилей медали ҳамда пул мукофоти топширилмоқда. Халқимиз, кенг жамоатчилик, маҳалла-қўй, оилалари ардоғидаги уруш қатнашчиларига байрам муносабати билан ҳар кунгидан зиёда эъзоз ва эътибор қўрсатилмоқда.

Ўзбекистон миллий энциклопедиясининг 7-жилди, 278-саҳифасида тўла маънодаги ана шундай қаҳрамонлардан бири Ҳожиакбар Раҳмонқулов ҳақидаги маълумотлар бор. Нуруний отахон Ҳожиакбар Раҳмонқулов Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси. Уларнинг хонадони шу кунларда меҳмонлар билан гавжум. Ҳамкасблари, сафдошлари, шогирдлари, қон-қариндошларидан айём боис табрик ва қўлловларни қабул қилишдан чарчамаётган Ҳожиакбар ота 85 ёшга қаршилаганига қарамай, кўмакка шай, ёрдамга ҳозир. Аниқроғи, «жанговар» сафдалар. Уша олис, суронли йилларни ёдга олиш нечоғли оғриқли бўлсада, хотираларини биз билан ўртоқлашишга ўзларида куч топдилар.

Ҳожиакбар 17 ёшга кирган паллада, аниқроғи, 1942 йил 8 декабрда бир неча тенгқурлари билан кўнгилли бўлиб фронтга жўнади. 2-Болтиқбўйи фронтининг 6-армияси 51-гвардиячи дивизияси 156-гвардиячи полкнинг автоматчилар ротаси таркибиде кўплаб шаҳарларни озод қилиш учун кечган қонли жангларда қатнашди. Бир неча бор яраланди, фурсати билан госпиталдан ана сафга қайтди. Ниҳоят, 1946 йилда у захирага бўшатилиди. Фронтга оқдй кўнгилли аскар бўлиб кетган Ҳожиакбар, уйга кичик офицер-лейтенант бўлиб қайтди. Шу йили Ҳожиакбар ака Тошкент юридик институтига ўқишга кирди. Бундан кейинги ҳаётини ҳам кураш дея баҳолаб, тинмай ўрганди, изланди.

Орадан 64 йил ўтди. Бугунги кунда Ҳожиакбар Раҳмонқулов Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги, юридик фанлари доктори, профессор,

Республикада хизмат қўрсатган фан ар-боби, Тошкент Давлат юридик институтида ўзининг ташаббуси билан ташкил этилган «Халқаро хусусий ҳуқуқ» кафедраси мудири сифатида фаолият олиб бормоқда. Шогирдларининг 55 дан зиёди фан номзоди, 10 нафари фан докторидир. Олим Париж, Москва, Санкт-Петербург, Деҳли, Киев, Алматы, Бишкек, Нагоя ва бошқа кўплаб шаҳарларда ўтказилган ҳуқуқ ва қонун ҳужжатлари тақомилга бағишланган илмий-амалий анжуманларда ўз маърузалари билан қатнашган, юзлаб китоб ва монографиялар муаллифи. Ўзбекистон ҳуқуқ тизими тақомили бўйича тинмай изланишлар олиб бorgan, бугунгача Ўзбекистон қонунчилигига ўз хиссасини қўшиб келаяпти. У талай ордан ва жанговар ҳамда юбилей медаллари, фахрий ёриқлар, 1994 йилда «Жасорат» медали билан ҳам тақдирланган.

Ҳожиакбар Раҳмонқуловнинг оиласи катта. 8 фарзанди воёга етказди, эл-юрт қорига ярайдиган инсонлар қилиб тарбиялади. 10 та набиранинг севимли бобоси. Фарзандларидан 5 нафари ота изидан кетишди ва юридик соҳада таълим олишди. Фронт олди ва ортининг энг оғир синовларидан ўтиб, руҳан тозланган, уруш муҳорабасининг аччиқ ош-тузанин тотган Ҳожиакбар ота бугунги авлод билан фахрланди. Уларни аждодларга муносиб ворислар, дея гурурланади.

Устоз бугун ҳам шогирдлар қуршовида. — Инсон сифатида ҳам, устоз сифатида ҳам Ҳожиакбар отанинж жамоамизда ҳурмат қозонганлар. Қўпгина ёшлар қатори мени ҳам қўлимдан илмга етаклаб кирган, фаолиятимизда иждодий изланишга, сўз масъулятини ҳис этишга ўргатган, меҳнатдан завқланиши кўникмасини шакллантирган устозимдан ҳаётда кўп нарсаларни ўргандим. Шогирдларига оталарча муносабати, юксак инсоний фазилатлари, вақтни қадрлай билиши, ҳар бир кунни бесамавр ўтказмасликка уриниши билан қадрли бўлган ва ҳаётга меҳри бандан устозим билан ҳар суҳбатдан, мулоқотдан сўнг ўзимга бўлган ишонч ортади. Устознинг жамик фазилатларини энди фарзандлариде кўряман. Бунга ҳавас қилмасдан бўладимми? — дея фикр билдириб юридик фанлари номзоди доцент Воситхон Эргашев.

Ўз ўрнида биз ҳам юридик соҳасида Ўзбекистоннинг илк фан номзоди, ҳозирда атоқли йирик олим, Иккинчи жаҳон уруши фахрийси Ҳожиакбар Раҳмонқуловга соғлиқ ва оилавий хотиржамлик тилаймиз. Вилот ШОДИБЕКОВА

Сўз — анжуман иштирокчиларига

ОҚИЛОНА ИҚТИСОДИЙ СИЁСАТ САМАРАЛАРИ

ЎзА мухбирлари Осие тараққиёт банки (ОТБ) Бошқарувчилар кенгашининг Тошкентда бўлиб ўтган 43-йиллик мажлиси иштирокчилари ва меҳмонларининг айримлари билан суҳбатда бўлди.

Дональд НИКОЛСОН, Ўзбекистондаги АҚШ савдо палатаси президенти:

— Сайёҳлик ҳар бир мамлакат иқтисодий ривожланишининг муҳим омилларидандир. Ўзбекистон сайёҳлик соҳасида улкан салоҳиятга эга мамлакат эканини алоҳида қайд этишни истардим. Шу боис жаҳон бозориде юртингизнинг сайёҳлик нуфузи йил сайин юксалмоқда. Буюк Ипак йўлининг марказида жойлашган мамлакатингиз ўзининг ноёб тарихий ёдгорликлари, муқаддас зиёратгоҳлари, хушманзара табиати ва файзли гўшалари, бетақорор маданияти, анъаналари билан жаҳон сайёҳларини ўзига ром этиб келмоқда. Айни пайтда Ўзбекистонда спорт ва тиббиёт сайёҳлиги ҳамда эколтуризмни ривожлантириш борасида кенг имкониятлар мавжуд.

Осие тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгашининг 43-йиллик мажлиси Ўзбекистонда ўтгани мамлакатингизнинг бошқа соҳалари қатори сайёҳлик жабҳасидаги имкониятларини янада кенгайтиришга, тармоққа чет эл сармоясини жалб этишга хизмат қилади. Ўзбекистоннинг халқаро миқёсдаги нуфузини бундан-да юксалтиришга уларн ҳисса қўшади.

Мазкур мажлисини юқори савияда ўтказиш учун Ўзбекистон томонидан амалга оширилган беқеёс ишлар барча меҳмонларда катта мамнуният уйғотди. Президент Ислом Каримовнинг анжуманиннинг очилишида сўзлаган нутқида Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор ривожланишида эътибор қаратилган жиҳатлар ва ҳаётга изчил татбиқ этилган чоралар аниқ рақамлар ва далиллар асосида ҳуқур таҳлил қилиб берилди.

Мишель МОРДАСИНИ, Жаҳон банкининг Ўзбекистон, Туркменистон, Тожикистон, Швейцария, Сербия, Польша, Қирғизистон ва Озарбойжон бўйича ижрочи директори:

— Мамлакатингизга бундан тўрт йил муқаддам келган эдим. Шу қисқа вақт ичида юртингиз таниб бўлмас даражада ўзгариб кетибди. Мен Жаҳон банкининг айнан Ўзбекистондаги вакили бўлганимдан, юртингиз билан ҳамкорликда фаолият олиб бораётганимдан фахрланаман.

Тошкентда ўтказилган «Инқирозга қарши чоралар дастурларининг самарадорлиги ва инқироздан кейинги ривожланишининг устувор йўналишлари (Ўзбекистон мисолида)» мавзудаги халқаро илмий-амалий конференцияда ҳам иштирок этгандим. Жаҳонда ҳукм сўраётган иқтисодий инқирозде оғир шароитда ушбу конференциянинг ташкил этилгани жуда ўринли бўлган эди. Чунки анжуманда дунёнинг қатор мамлакатларидан ташриф буюрган етакчи олим ва мутахассислар Ўзбекистоннинг инқирозга қарши олиб борган чоратadbirlари билан яқиндан танишиш ва уларни ўз юртиларда кенг қўллаш имконига эга бўлдилар.

Ўзбекистоннинг инқирозга қарши чоралар дастурида ижтимоий ҳимоя ва соғлиқни сақлаш тизимларини ислоҳ қилиш ва тақомиллаштириш борасида баён этилган қўрсатмалардан ибрат олса арзийди. Дастур ҳар бир соҳага катта эътибор қаратилгани ва муқаммаллиги билан ажралиб туради. Ўзбекистон билан Жаҳон банки ўртасидаги ҳамкорлик йил сайин мустаҳкамланиб бораётгани бизни гоят қувонтиради. Мамлакатингиз билан келгусида ёқилги-энергетика, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаларида ҳамкорликни ривожлантириш ниятидаимиз.

Дентон РАПАВА, Соломон оролларининг Марказий банки раиси:

— Ўзбекистонни кўришни анчадан буён орзу қилар эдим. Истиқлолга эришганингиздан буён кўп вақт ўтмаган бўлса-да, мамлакатингиз улкан ютуқларни қўлга киритганига гувоҳ бўлдим. Ўзбекистоннинг бошқа мамлакатлар қатори бизнинг давлатимиз ҳам ибрат олса аризуғулик жиҳатлари кўп экан. Глобал молиявий-иқтисодий инқироз шароитида мамлакатингизда юксак иқтисодий ўсиш қўрсаткичларини нафақат сақлаб қолишга, балки улкан юксалишга эришилаётгани жуда қувонардидир. Буларнинг барчаси юртингизда юритилаётган оқилона иқтисодий сиёсат самараларидир.

Ўзбекистондаги тинчлик ва барқарорликка астойдил ҳавасим келди. Бу ердаги одамлар менда, айниқса, катта таассурот қолдирди. Ширинсухан ўзбек халқининг меҳмоннавозлиги, меҳр-оқибатлилиги, инсонпарварлиги мени ҳайратга солди.

Сауд СИДДИКИЙ, «Srei Infrastructure Finance» компанияси бошқарувчи директори (Ҳиндистон): — Ўзбекистонда турли жабҳаларда, жумладан, энергетика, банк-молия ва автомобильсозлик соҳаларида, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, тиббий хизмат сифати ва самарадорлигини ошириш борасида олиб борилаётган кенг қўламадги ишхорлар ҳамда қўлга киритилаётган ютуқларга ҳавас қилса арзийди. Айниқса, мамлакатингиз раҳбарияти томонидан реал секторни, хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ва экспорт бозорини қўллаб-қувватлашга қаратилган эътибор таҳсинга лойиқ.

Президент Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган машҳур беш тамойилга асосланган ижтимоий йўналтирилган эркин бозор иқтисодиётига ўтишнинг «Ўзбек модели» жуда самарали ва ҳаётлиги билан халқаро ҳамжамият томонидан кенг эътироф этилган. Ўзбекистоннинг ютуқларидан яна бири мамлакатингиз аҳолиси интеллектуал салоҳиятининг жуда юқори эканидандир. Бу омил юртингизнинг халқаро ҳамкорлигини янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Ўзбекистон дунёнинг энг ривожланган давлатлари қаторидан жой олишига қатъий ишонаман.

Мадина УМАРОВА, Нодира МАНЗУРОВА, Ирода УМАРОВА эзиб олди.

ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАР ТАҲЛИЛ ЭТИЛДИ

Бугунги шиддатли, тезкор ахборот алмашинуви даврида жаҳон майдонида халқаро терроризм, экстремизм, уюшган жиноятчилик, нарқобизнес сингари хавфсизликка таҳдид солувчи иллатлар ҳам мавжуд бўлиб қолаётди.

Уларнинг олдини олиш, бундай иллатлардан энг аввало фарзандларимизни асраб-авайлаш муҳим аҳамият касб этади. Тошкент Фармацевтика институтида ҳуқуқ-тартибот идоралари билан ҳамкорликда ўтказилган

конференция айнан шу долзарб мавзуга бағишланди. Йиғилишни Тошкент Фармацевтика институти ректори, профессор Аҳмадхўжа Юнусхўжаев кичи сўзи билан очди.

Анжуманда «Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида ички ишлар идораларида амалга оширилаётган ишлар, одам савдосидек глобал муаммо ва унинг олдини олиш чоралари, диний экстремизм ва терроризмнинг давлат ва фуқаролар ҳавфсизлигига таҳдиди, ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши курашда матбуотнинг роли ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Конференция давомиде инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, уларни ҳимоя қилиш, бу борадаги ҳуқуқий ва амалий асослар ҳақида ахборотлар алмашилди.

Хидирали ПАНЖИЕВ

## ТАРБИЯ, АҲИЛЛИК ВА БАРАКА МАСКАНИ

**Мамлакатимизда навқирон авлодни комил инсонлар этиб тарбиялаш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, кам таъминланган оилаларга моддий ва маънавий кўмак бериш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.**

Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси томонидан бу борада муайян ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даврида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан «Баркамол авлод йили» Давлат дастурининг мазмун-моҳияти ва мақсадларини тушунтиришга қаратилган кўплаб тадбирлар ўтказилди. Уларга жалб этилган аҳолининг асосий қисмини ёшлар ташкил этди.

Миллий қадриятларимиз, урф-одат ва анъаналаримизни асраб-авайлашда маҳаллаларнинг ўз ўрни бор. Истиқлол йилларида маҳалла ҳаёти билан боғлиқ кўплаб қадрият ва удумларимиз қайта тикланди. Маҳалла тинчлик-осойишталикни сақлашга, бағрикенглик, меҳр-муруват муҳитини мустаҳкамлашга, ёшларни миллий ва диний қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларни турли ёт го ва зарарли иллатлардан асрашга хизмат қилмоқда.

«Маҳалла» жамғармасидан олинган маълумотларга кўра, 2010 йилнинг ўтган даврида тегишли ташкилотлар ҳамкорлигида маҳаллаларда аҳоли ва ёшлар ўртасида терроризм, диний экстремизм, турли маънавий таҳдидларга қарши курашишга бағишлаб ўтказилган тадбирлар сони янада кўпайтирилган. Унлаб кам таъминланган оила фарзандларининг тўйларини ўтказишда кўмак кўрсатилиб, 242 ёш оилага ҳомиляр маблағидан фойдаланган ҳолда қорамол тарқатилган.

«Маҳалла мурувати» масъулияти чекланган жамияти томонидан ишлаб чиқарилган 27,3 миллион сўмлик маҳсулот байрамларда кам таъминланган оилалар, Меҳрибонлик, «Саховат» ва «Муруват» уйлари ҳамда мактаб-интернатлар тарбияланувчиларига совға қилинди. Президентимиз Ислам Каримовнинг

аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган фармон ва қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида аҳоли ўртасида оила қуриш, соғлом фарзандни дунёга келтириш ва тарбиялаш, никоҳдан олдинги тиббий кўрикнинг аҳамияти, исталмаган ҳомиладорлик ва яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари билан боғлиқ масалаларни тушунтириш юзасидан қатор семинарлар ташкил этилди.

Ёшлар билан ишлаш комиссиялари томонидан жойлардаги меҳнат биржалари, ички ишлар идоралари, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ташкил этилган 25 меҳнат ярмаркасида 1200 нафар йигит-қиз ишга жойлаштирилди. Айни кунларда жойлардаги устоз-шогирд тўғрақларида 25 минг нафардан зиёд йигит-қиз касб-ҳунар ўрганимоқда. Пойтахтимизда яшовчи Назир Холмухамедов улардан бири.

— Таникли уста Анвар Азларовга шогирд тушиб, ўз касбимга қизиқишим янада ошди, — дейди Назир. — Ҳозир ёғочдан турли уй-рўзгор буюмларини ясаш ҳамда уларга шакл беришини янги усулларини ўрганишдан манъа. Ниятим — келажакда ёғоч уймақорлиги бўйича моҳир уста бўлиш ва миллий ҳунармандчилигимиз ривожига ўз ҳиссамни қўшиш.

Маҳалла азалдан тарбия, меҳр-муруват, ҳамжихатлик ва аҳиллик маскани бўлиб келган. Айни кунда касаначилик меҳнатини ривожлантириш, янги иш ўринлари барпо этиш, хотин-қизлар, ёшларни иш билан таъминлаш, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронлари, меҳнат фахрийлари, алоҳида эътиборга муҳтож кишилар ҳолидан хабар олиш, ёлғиз қарияларни аниқ ва манзилли тарзда ижтимоий ҳимоялаш тадбирларини рўйга чиқаришда ушбу тузилманинг аҳамияти тобора ошмоқда.

Буларнинг барчаси Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришини ушбу тизимни ривожлантириш, мавқеини янада юксалтиришга қаратилган алоҳида эътибор самарасидир.

**Холмурод САЛИМОВ,**  
**ЎЗА мухбири**



**Уй-жой ёки хонадон сотилганда, у ерда яшовчи фуқаролар қандай ҳуқуқларга эга бўлади? Шу ҳақда маълумот берсангиз.**

**С.Абдуазизова,**  
**М.Улуғбек тумани**

Уй-жой ёки хонадонларнинг олди-сотди шартномаларини нотариал тартибда гувоҳлантиришнинг асосий хусусиятларидан бири — бу шартномаларни мазкур уйда яшовчи фуқароларнинг сотилаётган уй-жой биносидан фойдаланиш ҳуқуқлари кўрсатилган ҳолда тузишдан иборатдир. Чунки Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодексининг 32-моддасига мувофиқ уй эгасининг оила аъзолари, шунингдек, у билан доимий яшаётган фуқаролар агар уларнинг кўчиб келган пайтида ёзма равишда бошқа ҳолда қайд этилган бўлмаса, уйдаги хоналардан мулкдор билан тенг фойдаланишга ҳақлидир. Шу сабабли бугунги кунда олди-сотди шартномаларини тузиш чоғида мазкур шахслардан ҳам ёзма равишда розилик аризалари олиниши керак. Нотариал идорасида тузилаётган олди-сотди шартномасининг матнида уйда яшовчи шахслардан кимлар уйнинг сотилишига розилик аризаси берганлиги, улар шартнома имзоланганидан кейин яна қанча муддат ичида уйни бўшатиб, қайддан ўчиши кераклиги ёки уларнинг хонадон мулкдори билан оилавий муносабатлари тугатилган тақдирда ҳам турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқи сақланиб қолиши мумкинлиги баён этилади.

**Фаррух САМАДОВ,**  
**«Зоҳидов Х.Р»**  
**хусусий нотариал идораси**  
**стажёри**

**Автомобилга янги рақамни қачонгача олишим мумкин? Шу ҳақда маълумот берсангиз.**

**Х.Юсупов,**  
**Юнусобод тумани**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 27 июндаги «Автомобилотранспорт воситалари учун рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларининг янги нумаларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг 2-бандига асосан, 2008 йил ва 2009 йилнинг биринчи чора-тадбирлари тўғрисида ишлаб чиқарилган йилдан қатъи назар, автомобилотранспорт воситалари учун, улар эгаларининг ёзма аризаси асосида ихтиёрли равишда, шунингдек, янгидан рўйхатдан ўтказилаётган (қайта рўйхатдан ўтказилаётган) барча автомобилотранспорт воситалари учун мажбурий тартибда; 2009 йилнинг иккинчи чора-тадбирдан бошлаб 2011 йил 1 январгача янгидан рўйхатдан ўтказилаётган (қайта рўйхатдан ўтказилаётган), шунингдек фойдаланилаётган (ишлатилаётган) барча автомобилотранспорт воситалари учун янги нумунадаги давлат рақамларини олиш мажбурий тартибда амалга оширилади.

Бунда рўйхатдан ўтказиш эски давлат рақами белгиларини янгисига ихтиёрли равишда алмаштириш тўғрисида 2008 йил мобайнида мурожаат қилган автомобилотранспорт воситалари эгалари рўйхатдан ўтказилган учун йиғимни тўлашдан овоз қилинадилар, яроқсиз ва йўқолган давлат рақами белгиларини ва рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасини мажбурий алмаштириш ҳоллари бундан мустасно бўлиб ҳисобланади.

**Омина ОЧИЛОВА,**  
**Зулайхо ИБРАГИМОВА,**  
**Учтепа тумани хусусий амалиёт**  
**билан шуғулланувчи нотариуслар**

**Кўп қаватли уйда яшаймиз. Биздан юқорида турадиган қўшнигимиз кечаси билан хонадонда нималарнидир таққиллаб, дам олишимизга халақит бериб, уйку бермайди. Бу хатти-ҳаракати учун қонунда жавобгарлик белгиланганми?**

**Х.Анварова,**  
**Юнусобод тумани**

Қўшнингизнинг бу ҳаракатлари маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 192-моддасига асосан тунги вақт соат 23.00дан 06.00 гача фуқароларнинг осойишталиги ва нормал дам олишини бузиш тақиқланади, яъни бандан овоз билан қўшиқ айтиш, мусиқа чалиш, товушли сигналларни бериш, хонадонларда, турар жойларнинг йўлаклари, кўчаларда овози банд қилиб қўйилган телевизор, радиоприймник, магнитофонлар ва овоз чиқарувчи бошқа аппаратлардан фойдаланиш, турар жой биноларида ва улардан ташқарида жуда зарур бўлмаган ҳолда шовқин чиқарувчи ишлар қилиш, шунингдек, маиший шовқинга қарши кураш талабларини бузувчи бошқа ҳаракатларни содир этганлик учун фуқароларга энг кам иш ҳақининг учдан бир қисми, мансабдор шахсларга эса учдан бир қисмидан иккидан бир қисмигача жарима чораси қўлланилади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жазо чораси қўлланилганда кейин бир йил давомида такрор яна шу ҳолат содир этилган бўлса, фуқароларга энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисми миқдорда, мансабдор шахсларга эса бир бараваригача миқдорда жарима солинади.

**Нодир ОРТИКОВ,**  
**Жамила СОВТОЛДИЕВА,**  
**Миробод тумани**  
**1-давлат нотариал идораси нотариуслари**

## Мусобақалар

### САЛОМАТЛИКНИНГ ЁШ ДЎСТЛАРИ

**Бугунги кунда ўсмир-ёшларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш, йўл ҳаракати қоидаларини ўргатиш, уларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш борасида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар кўлами кенг.**

Кунги кеча Тошкент авиасозлик коллежида «Саломатликнинг ёш дўстлари» шиори остида ўтказилган мусобақа ҳам шу мақсадда ташкил этилди.

Қизил Ярим Ой жамияти Ҳамза тумани кенгаши томонидан халқ таълими, ҳудудий тиббиёт бирлашмаси, «Соғлом авлод учун» жамғармаси ҳамкорлигида уюштирилган ушбу тадбирда 28 та мактаб ўқувчилари қатнашиб, билим ва маҳорати, иқтидор ва кўникмаларини синовдан ўтказди.

— Бу борада мактабларда санитар постлари ташкил этилиб, ўқувчиларга махсус ўқув дастури асосида билим бериб борилади, — дейди Қизил Ярим Ой жамияти туман бўлими кенгаши раиси Санобар Актабаева. — Мусобақани ўтказишдан мақсад жамиятнинг инсонпарварлик, ҳолислик тамойилларига амал қилган ҳолда, ёшларимизни ватанпарвар, садоқатли, кўмакка муҳтож, имконияти чекланган, тақдир тақозоси билан ҳаётда ёлғизланиб қолганларга беминнат ёрдам берадиган инсон қилиб тарбиялаш кўзда тутилган. Бугунги кунда тумандаги 42 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож инсонга меҳр-шафқат ҳамширалари тиббий ёрдам кўрсатиб, дори-дармон етказиб, уй ишларида ёрдам бериб келмоқда. Эътиборлиси, ёшлар ҳар бир беморга, кексаларга очик кўнгиллик билан кўмакка келади. «Саломатлик катта бойлик, унга интилиш ҳар биримизнинг шиоримиз» қоидаси ҳамшираларимиз ишида асосий мезон бўлаётди.



Мусобақани кузатиш давомида қатнашчиларнинг астойдил галаба қозонишга, олган билимларини намоён қилишга интилаётганининг гувоҳи бўлдик. Сафда туриш, рапорт бериш, санитар сумкасидаги жиҳозларни ва кундалик дафтарини текшириш, биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш, уйда беморга қараш, шахсий ва жамоат гигиена, доривор ўсимликларни қўллаш, Қизил Ярим Ой жамияти фаолияти, йўл ҳаракати қоидалари ва эркин мавзу каби саккизта босқич бўйича ўтказилган мусобақада 224-мактаб сан-постчилари голибликни қўлга киритди. Тенгма-тенг натижа кўрсатишга интилган 166, 69-мактаблар иккинчи, 153, 204 ва 226-мактаблар жамоалари эса учинчи ўринни эгаллади.

Ушбу мусобақа доирасида деворий газеталар танлови ҳам ўтказилиб, 231-мактаб жамоаси голиб деб топилди.

**Шоира МУҲАМЕДОВА,**  
**СУРАТДА: тадбирдан**  
**лавҳа.**  
**Козим Улмасов**  
**олган сурат**

**Бугунги кунда нақд пул айланишини қисқартириш, аҳолининг бўш пул маблағларини жалб этиш молия муассасалари олдида турган асосий вазифалардан бири ҳисобланади.**

### КРЕДИТ ТУРЛАРИ КЎПАЙМОҚДА

Халқ банки Юнусобод тумани филиали жамоаси ҳам шулардан келиб чиқиб, ўтган вақт мобайнида «Матонат», «Соврин плюс капитал», «Пойтахт», «Миршор деҳқон», «Мураббий», «Комфорт», «Кўклам-2» сингари ўнга яқин омонат турларини ташкил этди. Мана шу ишларнинг самараси натижасида банкка омонат пуллари кўпайиб кетди. Энг муҳими, омонат турларининг хилма-хиллиги фуқароларнинг танлаш имкониятини кенгайтира бошлади.

— Бу ҳали ҳаммаси эмас, — дейди филиал бошқарувчиси Азим Назаров. — Жисмоний ва юридик шахсларга ҳам қатор кредит турлари тақдир қилина бошланди. Автомашина, чорва моллари, техника, мебель харид қилиш, уй-жой қуриш ва шиφοхона, сихатгоҳларда даволаниш учун кредит ажратиш йўлга қўйилди.

Шу қаторда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришга кўмаклашиш мақсадида автотранспорт, моддий техника ресурслари, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва бошқа чакана, улгуржи савдо билан шуғулланувчилар учун ҳам кредитлар бериб борилмоқда.

Бундай ишларнинг самараси натижасида мижозлар сони ортиб, банкка нисбатан ишонч мустаҳкамлашиб бормоқда.

**(Ўз мухбиримиз)**

### ДАВРА СУҲБАТИ

**Республика суд-экспертиза марказида «Эксперт хулосаларининг далилий моҳияти» мавзусида идораларо семинар-давра суҳбати бўлиб ўтди.**

Тадбирда суд экспертизасининг одил судлов ва қонун устуворлигини таъминлашда аҳамияти тобора ошаётгани алоҳида қайд этилди.

Хуқуқшунос мутахассислар томонидан ушбу соҳанинг тобора кенгайиб бораётган имкониятлари, жумладан замонавий технологиялар жорий этилиши ашёвий далилларни текшириш, эксперт тадқиқотларини янада чуқурроқ олиб бориш ва аниқ натижалар олишга имкон яратаётгани таъкидланди.

Кейинги пайтда ташкил қилинган суд-ер, суд-йўл-транспорт экспертизалари, суд-иқтисодий, суд-товаршунослик, материал-

шунослик экспертизаларининг янги масалаларини ечишга қаратилган услублари кўрсатиб ўтилди.

Анжуманда экспертнинг хулоса бериб бўлмаслик ҳақидаги далолатномасини баҳолаш, тахминий хулосалар бериш зарурати, бирламчи ва қайта экспертизаларни баҳолаш, суд экспертизада замонавий технологиялар ва уларни баҳолашда тергов, судларнинг имкониятлари, дастлабки маълумотлар ҳақида сўз юритилиб, фикр-мулоҳазалар билдирилди.

**Акбар ЖИЯНОВ,**  
**«Туркистон-пресс»**

**Ўзбекистон Давлат консерваториясида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Хуррият Исроиловнинг «Баркамол авлод йили — ёшлар ижодида» номли ижодий кечаси бўлиб ўтди.**

## Санъат

### КОНСЕРВАТОРИЯДА ИЖОДИЙ КЕЧА

Ўзбек мумтос кўшиқчилигида ўзининг муносиб ўрнини эгаллаган, гўзал ва ширали овоз соҳибаси Хуррият Исроиловнинг етук санъаткор бўлиб етишишида Фулмон Рўзиев, Шавкат Мирзаев ва айниқса Фаттохон Мамадалиев каби устоз санъаткорларнинг хизматлари бекиёсдир.

«Куйланг ёш хонандалар» кўрик-танлови, республика мақом танлови, симфоник оркестр жўрлигида «Ўзбек халқ кўшиқлари» ижроси кўрик-танловларининг совиндори бўлган, Хонанданинг репертуаридан кўплаб таникли ўзбек бастакорларининг, хусусан, Тўхтасан Жалилов, Мухаммадхон Мирзаев, Фанихон Тошматов, Комилжон Жабборов, Саиджон Калонов, Фаттохон Мамадалиев, Фарход Алимов, Мустафо Бафоевларнинг асарлари ўрин эгаллаган. У ижро этган «Шашмақом»дан парчалар, «Сен ўзинг», «Фалак», «Бормикан» каби асарлар CD альбомига ёзи-

либ, нафақат ўзбек, балки чет эл шинавандаларига ҳам ҳавола этилмоқда. Эл суйган хонанда Хуррият Исроилова нафақат мумтос кўшиқчилик намуналарининг моҳир ижросисини, балки жонқуяр ва меҳрибон устоздир. Ҳозирги кунда Республика мусиқа коллежида ёш авлодга ўзининг ижод сирларини ўргатиб келмоқда.

Ижодий учрашув бошланишидан аввал санъатшунослик фанлари номзоди, профессор Б.Матёкубов хонанданиннг ижоди ҳақида тўхталиб ўтди. Кечани Ихтиёр Пўлатов раҳбарлигидаги доирачилар ансамбли очиб берди. Концерт давомида хонанда томонидан «Қашқарчаи ушшоқ», «Кел», «Сайдинг кўябер, сайёд» каби ўлма мусиқа асарлари юсак даржада ижро этилди. Кечанда Ўзбекистон халқ ҳофиси Бекназар Дўсмуродов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Насиба Сатторова, Комила Аминова,

Аҳмадхон Дадаевлар иштирок этишди. Айниқса, доирачилар ансамбли томонидан ижро этилган «Кўш доира» чиқиши тингловчиларни лол қолдирди. Дони Зокировнинг «Эй сабо» асари Хуррият Исроиловнинг шогирдлари — ака-ука Парвиз ва Қахрамон Абдуллаевлар ижросида янгради. Дастур давомида хонандага Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби Темур Маҳмудов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Малика Зияева, Комилжон Мирзаев, Қудратилла Самадов, Мансур Воисов, Шавкат Матёкубовлардан иборат созандалар ансамбли жўрнавотлик қилди. Ижодий кеча Хуррият Исроилова ва шогирдлари томонидан ижро этилган бастакор Саиджон Калоновнинг «Эй сарви равон» асари билан якунланди.

**Дилноза АСАНОВА,**  
**Ўзбекистон Давлат**  
**консерваторияси талабаси**

## ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

**Ўзбекистон Бадий академияси тасарруфидаги Республика ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернати 2010-2011 ўқув йилига 2003 йилда туғилган иқтидорли ўғил ва қиз болаларни таъмирли санъат ва мусиқа бўлимларига танлов асосида**

**ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ**

**Қолган синфларнинг бўш ўринларига мутахассислиги бўйича тайёргарлиги ва қобилияти бор бўлган ўқувчилар танлов асосида қабул қилинади.**

**Аризалар 2010 йил 1 майдан 31 майгача қабул қилинади.**

**Қабул имтиҳонлари 1 июндан бошланади.**

**Манзилимиз: 100152, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, 22-мавзе, 1-а. Автобуслар: 2, 8, 33, 41, 77, 87, 182, 141, 135. Йўналишли таксилар: 14, 15, 21, 22. Телефонлар: 274-92-21, 274-96-45, 274-96-44**

«Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси, Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича минтақавий вакиллари, Тошкент вилояти адлия ва ички ишлар бош бошқармалари ходимлари иштирок этди.

Мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида соғлом маънавий муҳитни қарор топтириш ва ёш авлоднинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, ўғил-қизларни миллий кадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш борасида амалга оширилаётган ишлар юксак самара-

**2010 йил – Баркамол авлод йили**

**ЮКСАК ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ — ДАВР ТАЛАБИ**

**Тошкент давлат аграр университети қошидаги академик лицейда ўқувчи ёшлар орасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олишга бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.**

лар бераётгани таъкидланди. Ёшлар орасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш мақсадида таълим муассасалари, маҳалла ҳамда ҳуқуқ-тартибот идоралари ўртасидаги ҳамкорлик


янада кучайтирилмоқда. — Ёш авлоднинг ҳуқуқий билими ва маданиятини юксалтириш соғлом турмуш асосидир, — дейди Тошкент давлат аграр университети проректо-

ри Абдуқодир Норқулов. — Ўз фуқаролик бурчи ва вазифаларини чуқур англаган ёшларнинг иродаси бақувват бўлади. Тадбирда бола ҳуқуқларига

оид қонунчилик, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишда ФХДБ бўлимлари олдига турган вазифалар тўғрисида маърузалар тингланди. Ёшларга диний экстремизм, терроризм, одам савдоси каби глобал муаммолар, уларнинг аянчли оқибатлари ва уларга қарши курашиш борасида атрофлича тушунча берилди.

Тадбир сўнггида балоғат ёшига етган ўқувчиларга Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик паспортлари тантанали равишда топширилди.

**Сайёра ШОЕВА, ЎЗА мухбири**



**ЁШЛАРНИ ШИЖОАТГА ЧОРЛАДИ**



**Мамлакатни дунёга машҳур қилишда спортнинг ўрни катта эканлиги исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир. Бинобарин, ёшларимизнинг спортга бўлган қизиқишини рағбатлантириш, қўллаб-қувватлаш давлатимиз сиёсатининг ўзига хос қирраларидан бирини ташкил этади.**

Фуломова. — Ўйлаймизки, фарзандларимиз ёш ойларида бундай мазмунли ўтказишда бу мусобақалар ўзига хос старт майдониغا

айланади. Мусобақаларда 100 нафардан ортиқ мактаб ўқувчиси, 150 нафар педагог, 40 нафар жисмоний тарбия ўқувчиси иштирок этди. 21,146-мактаблар ўқувчилари ўртасида футбол, 257-260-мактаблар ўқувчилари баскетбол, стол тенниси, шахмат, шашка, ёш мутахассислар иштирокида «Кувноқ стартлар» мусобақалари уюштирилди.

Агар маълумотларга мурожаат қилади-

**Хидирали ПАНЖИЕВ СУРАТЛАРДА: тадбирдан лавҳалари Суннатилла Кўзиев олган суратлар**

**Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти қошидаги 2-академик лицейда инглиз тили фан ойлиги ўтказилмоқда.**

**ФАРЗАНДЛАРИМИЗ УЛҒАЯЁТГАН МАСКАН**

Ҳар уч ойда бир марта ташкил этиладиган ушбу фан ойлиги доирасида «Money and shopping» мавзусида очик дарс бўлиб ўтди. Дарсни академик лицейнинг ёш ўқитувчиларидан Соҳиба Ҳасанова олиб борди. Ўқувчилар турли машғулот ва сахна кўринишлари орқали инглиз тили борасидаги билимларини намойиш этишди.

— Олий ўқув юрларида чет тилини ўргатишга алоҳида эътибор берилмаётган. Ёш авлоднинг ҳар томонлама етук вояга етишида она тили билан биргаликда чет тилларини билиши давр тақозосидир, — дейди академик лицей ўқитувчиси Соҳиба Ҳасанова. — Фан ойлигини ташкил этишдан мақсад ҳам айнан ўқувчиларда чет тилига бўлган қизиқишини орттириш, инглиз тили муҳитини яратиш орқали тилни тез ва яхши ўзлаштиришига кўмаклашишдир.

— Инглиз тили дарсини ҳар доим шу йўсинда ўташди, — дейди иккинчи босқич ўқувчиси Феруза Нурматова. — Ўқитувчимиз дарс жараёнида янги усуллардан фойдаланишлари тилни тез ўзлаштиришимизга ёрдам беради.

Фан ойлиги доирасида ўтган очик дарс давомида ўқувчилар эшитиш, ўқиш ва гапириш бўйича олган билимларини синовдан ўтказди.

**Рахшона ТОШПҮЛОВА, «Туркистон-пресс»**

**Қатралар**

**НАЪМАТАК**

Қизил атиргуллар кечқурун тугунчаларига қулгуларини яшира олмай майин табассум ила туришганди, қирмиз лабларини пирпиратиб, шўх қизлардек хандон отиб жилмайганча қуёшдан эрта уйғонишди.

Шаҳарлик меҳмонлар гулларнинг бандидан ушлаб, узишга кўзлари қиймай димоғларига тутишади. Гуллар меҳмонларнинг қўл, ёнларига тегиб тебранади, бир зумда ис-ифори кенг ҳовлини тутиб кетади.

— Ичига атир қўшиб экканмисиз, — ҳазиллашади биринчи меҳмон менга.

— Менинг ҳам гулим очилишга очилган-у, лекин бужмайганроқ, — дейди иккинчи меҳмон.

— Аввал наъматакни мақтанглар, кейин... — дедим мен хаёл оғушида.

— Қани, кўринмайди-ку, ён-атрофга аланг-лашади меҳмонлар.

— Сиз ёқтирган гулларни наъматакка пайванд қилганман, — уланган жойини қўлим билан кўрсатдим уларга. — Ҳа, аввал шуни мақтанглар. Негаки, у ўзидан кечиб, дўстларим гўзалликда айнимасин, одамлар хизматидан толмасин, яхшисини ошириб яшай, деб меҳнат қиляпти-да.

**ДАЛА ЙЎЛИ**

— Эй йўл, — дебди башанг кийинган, бугдой ранг юзли, тўладан келган инсон, — мунча эгри-бугри бўлмасанг? Ҳарсиллаб терлаб пишдим-ку. Равон катта йўлга чиқсам бўлар экан.

Дала йўли ажабланибди:

— Тўқлигинг нимадан?

— Она Ердан.

— Тўқис уст-бошинг-чи?

— Она Ердан.

— Ҳа, баракалла! — дебди йўл ва йўловчи-га танбех берибди.

— Тушунган ҳолда мени камситишинг инсофданми?!

— Кечир, — дебди йўловчи тавозеъ билан. — Бироз силлам қуригандан аччиқланиб...

— Улмаган деҳқоннинг жони, — дебди шунда дала йўли. — Кирза этикда юз бор бағримдан ўтса ҳам, «финг» демайди-я. Менга тутатиб кетган пайкалларда тупроқни ийлаб ва сийлаб ҳар йили ҳосил уяди. Қут-баракка қарвонларнинг изларини илк бор мен ўпиб олқишлар қоламан. Деҳқонларнинг келажак олийҳиммат нурли йўларига ошно бўламан. Яна ва яна...

Мен бўлмаганимда, сен мақтаган ўша равон, ярқироқ йўллар қаёқда эди?!

**МАФИЗ**

Оқавадан тўлиб оқаётган сой бўйлаб бо-раётиб, ўрик тагида тўхтадим. Ғуж-ғуж ҳосилдан шохлари эгилган. Ҳил-ҳил пишиб тўқилганидан бир донасини оғзимга солдим. Таъми асалдек. Яна беш-олтитасини иштаҳа билан едим. Данакларини чақиб, ширин мағизларини ҳам тановул қилдим. «Кўк пишар»нинг хунуқроқ бўлса ҳам, таъми оғзимда қолди. «Кўк пишар»дан сал нарида эса бир ўрикнинг ме-васи «мени бир тотимабсан, оламга келмабсан», дегандек барглари орасидан имларди. Бир ёғи қизғиш, бир ёғи новотга ўхшаш рангидан асал томаётгандек. Ҳалиги «кўк пишар»га тўйган бўлсам ҳам, бунисидан ҳам егим келди. Бир донасини оғзимга солдим, афтим шафтоли қоқидек буришди. «Мунча тахир бўлмасанг. Чиройингга ишонинг...»

Бемаза оғзимни ширин қилай деб, данагини чақиб тотдим-у, дарҳол туфуриб ташладим. Иллат шу аччиқ мағиз «қалбида» экан!

**ЯРАЛАНГАН НОВДА**

Муртақлар илиқдан бўртиб, кўз очаётган пайт. Ток очаяпмиз. Новдалар қўлбоғидан бўшаган чақалоқнинг оёқ-қўлларидек яйраб кетади.

Тупроқ тортаётган кетмоннинг учи ноғоҳ бир новданинг ярмигача кесиб сув-қонини оқизади. Новда чайир тортиб, пишгунича қанча меҳнатларим сингган, меҳрим кўри тўқилган. Наҳотки, энди тек турулмай, танидаги қони чак-чак оқаверса?! Пешонамга боғланган оқ рўмолимдан йиртиб, новданинг чопилган жойини бир-бирига зичлаб боғладим. Яраси битиб, ҳосил қилишга ишончим комилу, юрагимнинг аллақаси бетиним ачишади.

— Тавба, — дейман бу ҳолдан, — жангда яраланган фарзанди учун онаси қандай азоб чеккан экан-а?!

**Фани АБДУЛЛАЕВ**

**ТЕННИСЧИЛАРИМИЗ КЕЙИНГИ БОСҚИЧДА**

**Ҳиндистоннинг Калькутта шаҳрида теннис бўйича эркалар ўртасида ўтказилган «Фьючерс» туркумига кирувчи халқаро турнирни юртдошларимиз ғалаба билан бошлашди.**

Таҷрибали спортчимиз Важа Уэзов биринчи босқичда Хитой Тайпейи вакили Ченг Пенг Хсиехни 3:6, 6:4, 6:3 ҳисобида енгиб, иккинчи даврага йўлланма олди.

Яқкаликлар ўртасида бешинчи рақамда сараланган Мурод Иноятв мезбон теннисчи Викрам Реддидан ҳар томонлама устунлигини исботлаб, 6:3, 6:4 ҳисобида зафар кучди.

М.Иноятв жуфтликлар баҳсини ҳам муваффақиятли бошлади. Мезбонлар вакили Яник Нелорд билан ҳамкорликда ўйнаётган Мурод биринчи даврада ҳиндистонлик Ронак Мануа ва Кристофер Маркуис дуэтидан 6:4, 7:5 ҳисобида устун келди.

**Зоҳир ТОШҲҲАЕВ, ЎЗА мухбири**

**Миллий чемпионат ва халқаро турнирлардаги жамоалар иштироки ҳисобга олинган ушбу рейтинг жадвалига дунёнинг 350 та жамоаси киритилган. Унга кўра, апрель ойидаги муваффақиятсиз натижалардан сўнг амалдаги Ўзбекистон чемпиони «Бунёдкор» 93-ўриндан 108-ўринга тушиб кетган бўлса, 94-ўринда бо-раётган «Пахтакор» 111-ўрин-**

**Халқаро футбол тарихи ва статистикаси федерацияси апрель ойи учун дунё футбол клубларининг рейтинг жадвали натижаларини эълон қилди.**

**РЕЙТИНГ НАТИЖАЛАРИ**

ни эгаллади. Дарвоқе, Осиё футбол конфедерацияси Кубогидаги муваффақиятли иш-тирокидан сўнг Қаршининг

«Насаф» жамоаси ҳам рей-тинг жадвалига киритилди. Демак, қитъамизнинг энг куч-ли жамоалари орасида мам-

лакатимизнинг «Бунёдкор», «Пахтакор», «Нефтчи»дан сўнг «Насаф» командаси ҳам эъти-роф этилди.

**ТЕРМА ЖАМОАМИЗ ЕВРОПАГА БОРАДИ**

**Маълумки, 2011 йилда Қатар пойтахти Доха шаҳрида футбол бўйича Осиё чемпионати мусобақалари бўлиб ўтади.**

Ушбу нуфузли тур-нирнинг «А» гуруҳида Қатар, Кувайт, Эрон терма жамоаларига қарши ғолиблик учун Вадим Абрамов бош мураббийлигидаги мамлакатимиз миллий терма жамоаси аъзолари майдонга тушишади. Шуниси аҳамиятлики, Осиё чемпионатида муваф-фақиятли қатнашиб, Радулловичга Москвага кетди.

**БОШ МУРАББИЙ ЎЗГАРДИ**

«Пахтакор» футбол клуби матбуот хизмати хабарига кўра, Радуллович билан клуб ўртасидаги шартнома ҳар икки томоннинг келишувига асосан бекор қилинган. Шу ўринда савол туғилиши табиий. Радуллович бош мураббийлигида «Пахтакор» миллий чемпионатда ҳам, Осиё чемпионат лигаси турнирида ҳам ҳозирга қадар му-ваффақиятли қатнашиб, ижобий натижаларни қайд этаётган эди-ку? Шунини таъкидлаш лозимки, хорижлик мураббий билан тузилган шартнома бандларидан бирида агар Радулловичга Европа қитъаси клубларидан мураб-бийликка таклиф тушса, у «Пахтакор»даги фаолиятини якунлаши мумкинлиги кўзда тутилганди. Дарҳақиқат, Ра-дуловичга Москвадан «Динамо» клубидан таклиф туш-ган ва эндиликда у «Динамо» бош мураббийсига ёрдам-чи сифатида фаолият юритади. «Пахтакор»га эса Равшан Хайдаров бош мураббий этиб тайинланди.

моамиз футболчилари май-июнь ойлари-да бир неча назо-рат-ўртоқлик учра-шувлари ўтказишни режалаштирган. Жум-ладан, Ўзбекистон футбол федерацияси матбуот хизматидан хабар қилишларича, 25 май куни миллий терма жамоамиз Ере-ванда Арманистон терма жамоаси билан назорат-ўртоқлик уч-рашувида куч сина-шади. Ушбу баҳсдан

мақсад футболчилари-римизнинг жисмоний, руҳий тайёргарлигини синаб кўришдан иборат. Дарвоқе, бош мураббий мамлакатимизнинг терма жамо-аси сафига энг маҳо-ратли чарм тўп уста-ларини жалб этишини алоҳида таъкидлади. Биз кўп минг сонли мухлислар номидан терма жамоамизга омад ёр бўлишини ти-лаб қоламиз. **Ақбар ЙҮЛДОШЕВ**

**Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ**  
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39.  
*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*  
**Нашр кўрсаткичи — 563**  
ISSN 2010-9229

**Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.**

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаамти»га — 233-74-05 телефониغا мурожаат қилишингиз мумкин.  
Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва сақланган.  
«Шарқ» нашрийт-матбос акциядорлик компанияси бошмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-ўй.  
**123 5**